


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ ВЕТЕРИНАРИИ И РАЗВИТИЯ
ЖИВОТНОВОДСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ –ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ



**“ЧЎЛ ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧЎЛЛАНИШНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ
АСОСЛАРИ”**

Халқаро илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ

международной научно-практической конференции

**“НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ
РАЗВИТИЯ ПУСТЫННО-ПАСТБИЩНОГО
ЖИВОТНОВОДСТВА И ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ
ОПУСТЫНИВАНИЯ”**

Самарканд-2019

106	Б.Бекчанов., С.Қаршиев. Турли типга мансуб яйловларни мониторинг қилишнинг дастлабки натижалари	282
107	Қ.Синдаров., Э.Мамедов., М.Тухтамишев. Тритикале-Қизилқум чўли суғориладиган майдонларида истикболли озуқабоп экин	285
108	Қ.Синдаров., Э.Мамедов., Ш.Синдаров. Қизилқум чўли ўзи чиқиб ётувчи сувлардан фойдаланиб озуқабоп оралик экинлар етиштириш истикболлари	288
109	М.Усмонов., Ш.Қ.Синдаров. Озуқабоп яйлов ўсимликларининг уруғчилигини ташкил этишнинг долзарблиги	291
110	А.С.Бобаева., А.Раббимов., Б.Х.Рафиев. Боялич-(<i>Salsola arbuscula</i> Pall) ва кўйровук (<i>Salsola orientalis</i> s. g.gmell.) ўсимликларининг гипсли карнабчўл шароитида фитомасса ҳосилдорлиги	293
111	Г.А.Саттарова., Н.А.Бобокулов., А.Раббимов., А.Х.Хатамов., Л.Х.Ахмадалиева., Г.У.Хамрасва., Ф.А.Ахмадалиева. Полезные свойства и химический состав аридных кормовых растений	296
112	А.А.Хамидов. Корневая система прибрежницы солончаковой, ажрека в культуре Нуратинского района Навоийской области	298
113	А.А.Хамидов, Г.М.Махмудова. Ранне - весеннее отчуждение эфемерово-фемероидной растительности – агротехнический прием повышающий жизненность всходов и проростков основной культуры	302
114	Х.Ш.Турсунов, Ш.Р.Мажитов, О.Абдурашидов. Куёш печлари – яйлов химоячиси	305
115	Ж.А.Паржанов, Ж.Кўзембайўлы. Инновационная методика бонитировки и паспортизации аридных пастбищ	307
116	Ж.С.Абдраимов. Структурно-динамические процессы растительного покрова участка «Тогускент» северо-восточных Кызылкумов	311
117	А.Сейткаримов., Б.А.Райымбеков., А.Е.Сартаев. Формирование и изучение генофонда Аридных культур на юге Казахстана	314
118	А.Е.Сартаев., К.Ж.Паржанов., Э.А.Керимбаева. Сроки уборки семян астрагала лисовидного	318
119	Б.Ш.Эфендиев., А.С.Вороков. Научный подход к ведению пастбищного хозяйства – залог эффективного животноводства	320
120	Г.К.Булахтина., А.В.Кудряшов., Н.И.Кудряшова. Улучшение деградированных полупустынных пастбищ – путь к устойчивому развитию овцеводства в Астраханской области	326
121	М.Д.Бекбауов., М.К.Айнабаев. Терескен – ценное засухоустойчивое растение для создания пастбищ в аридной зоне Алматинской области	331
122	Т.Рахимова “Кўкча” яйловларининг ҳозирги ҳолати	334
123	А.С.Шамсиев., Б.С.Камилов., Т.Ражабов., М.П.Зиятов., Ж.С.Эшонқулов. Такрорий экилган соя ва кунгабоқар навларининг суғориш тартиблари	338
124	А.С.Шамсиев., С.О.Хусанов. Ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Андижон-4” навини суғориш меъёрларини дон ҳосилдорлигига таъсири	340
125	М.Зиятов., А.Шамсиев, Б.Камилов. Ғузани эгилувчан қувурларда суғориш минерал ўғитларни фертигация усулида беришнинг авзалликлари ва самарадорлиги	341
126	М.Т.Ташболтаев., А.Н.Садыров. Совершенствование технологии заготовки сена с пустынных пастбищ	344
127	А.Рахматуллаев., О.А.Адилова., Х.А.Баратов. Ғўбдин тоғида яйловлар деградациясини ўрганиш тажрибасидан	348
128	А.Рахматуллаев., О.А.Адилова., Х.А.Баратов. Ғўбдин тоғида чўлланиш жараёнини трансект методи ёрдамида ўрганиш	350
129	Г.М.Набиева. Пастбищная емкость земель Нуратинского тумана Навоийского вилоята	352
130	И.Х.Хасанов., Ж.Н.Нажмиддинов., Н.Х.Остонова. Шўрланган гидроморф тупроқларда озуқабоп, доривор ширинмия <i>Glycyrrhiza glabra</i> L. ўсимлигини кўпайтириш чоралари	355
131	О.П.Утамбетов., Б.А.Бекбанов. Оценка скороспелости и урожайности сортов сои	357
132	Б.Д.Аллашов, С.Ғ.Жамолов. Озуқа етиштиришда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида қашқарбедани сули билан аралашма ҳолда етиштириш	359

ҒЎБДИН ТОҒИДА ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТРАНСЕКТ МЕТОДИ ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ

А.Рахматуллаев¹, О.А.Адилова², Х.А.Баратов¹

Самарқанд давлат университети¹, Жиззах давлат педагогика институтини²

Аннотация. Ушбу мақолада Ғўбдин тоғ яйловларида чўлланиш жараёнини трансект методи ёрдамида ўрганиш тажрибаси баён қилинган. Бунинг учун қишлоқдан шимоли-ғарбий йўналишда 5000 метргача масофада 100 м² ли тўртта жой танланган ва ушбу жойларда ўсимликлар турлари, сони, мўллиги, тўпроқ ювилиши ўрганилди.

Калит сўзлар: Друде шкаласи, Комаров шкаласи, трансект, таянч участкалар, баллик шкала, фитоценоз, тўр методи, чўлланиш.

Annotation. This paper describes the experience of using desertification techniques in the mountain pastures of Gobdin using a transect method. To do this, four areas of 100 m² were selected from the village up to 5,000 meters to the north-west direction and studied the varieties, numbers, abundance of plants and eroze of soil in these areas.

Key words: drude scale, Komarov scale, transect, base plots, point scale, phytocenosis, desertification.

Кириш. Чўлланиш жараёнини миқдорий кўрсаткичларда аниқлашда трансект методини қўллаш яхши натижаларни беради. Трансект – миқдор кўрсаткичлар тадқиқ этиладиган бир йўналишда тор ва узун йўлаксимон чўзилган майдон ҳисобланади. У мазмуни бўйича худудлардан ўтказиладиган ландшафт, геоморфологик, тупроқ, геоботаник кесмаларга ўхшайди. Бу кесмалар айнан битта чизикдаги ўзгаришларни кўрсатса, трансект методида эса, бир неча метр, бир неча ўн, хатто юз метр кенликдаги ўзгаришларни кўрсатади. Биз тадқиқотимизда Эшмонтўп қишлоғидан шимоли-ғарбга, яъни Ғўбдин тоғининг сувайирғич тизмаси томон трансект йўналишини белгилаб олдик.

Тадқиқот мақсади: Ғўбдин тоғининг шарқий қисмида қишлоқдан узоқлашган сари яйловларга чорва моллар таъсирини миқдорий баҳолашдан иборат.

Тадқиқот усуллари: трансект усули, картографик, ўсимликлар мўллигини аниқлаш, статистик таҳлил, географик таққослаш.

Тадқиқот натижалари: тоғли худудларда чорва молларнинг бир кун давомида боқиладиган масофаси қишлоқдан 5000 метргача ташкил қилади. Ана шу ҳисоб бўйича қишлоқдан 5000 метр узоқликгача масофада трансект йўлаги ва унда тўртта таянч участкалар белгиланди. Бу трансект йўлагида қуйидагича жойлаштирилди: 1) қишлоқдан 500 метр узоқликда; 2) 1500 метр; 3) 3000 метр; 4) 5000 метр. Таянч участкаларнинг бундай танланишига сабаб қишлоқдан узоқлашган сари чорва молларнинг яйловда боқилиши камайиб боради, табиийки, уларнинг табиатга таъсири ҳам сусаяди, 5000 метрдан узоқда жойлашган яйловлардан вақти-вақти билан фойдаланилади. Тадқиқот қуйидаги метод ёрдамида олиб борилди: Даставвал ҳар бир таянч-участкада учун бўйи ва эни 10 метр узунликдаги (10x10=100м²) жой танланилди ва у 1 метрдан квадратларга бўлинди. Квадратларга бўлишда рангли тасма лента ипдан фойдаланилди. 100 м² майдончада энг кўп учрайдиган ўсимлик турлари танланди. Ана шу ўсимликларнинг номлари ва уларнинг кўплиги Друде шкаласи ёрдамида кўп учрайдиган турдан кам учрайдиган турга томон рўйхати берилди. Аниқлаш майдонида турнинг биттагина индивида топилса, уни ягона (Unicum un) деб ҳам белгиланди. Буни Ғўбдин тоғи шароитида баъзи ягона учрайдиган ярим буталарга нисбатан ишлатиш мумкин. Друде шкаласида индивидлар сони кўп, кам ва ҳақозо сўзларда берилган холос, шунинг учун индивидлар сони аниқ рақамларда кўрсатилган Н.Ф.Комаровнинг 6 баллик шкаласидан фойдаланишни маъқул кўрдик [1](1-жадвал).

Ҳар бир индивиднинг сони фитоценозда турлича миқдорий нисбатларда бўлади. Турнинг индивидларини 1м², 10м², 100м² ва булардан катта майдончаларда олиб санаш мумкин. Бир м² майдончада ҳар бир тур ўсимликлари индивидларнинг умумий рўйхати тузилиб аниқ миқдори кўрсатилди. Бу билан ушбу 100 м² таянч-участкада қайси ўсимлик

тури кўп учрашлиги аниқланди. Худди шундай қишлоқдан узоқлашган сари қолган бошқа тажриба участкаларда тузилган рўйхат билан солиштирилганда ўсимликлар турлари бўйича ва ҳар бир турнинг сонлари бўйича қандай кўпайиб ёки камайиб бориши аниқ бўлади. Шу билан бирга энг кўп учрайдиган ўсимликларнинг 100 м² ли план чизмасида алоҳида шартли белгиларда кўрсатилди

1-жадвал

Турлар мўллигини Н.Ф.Камаров (1992) шкаласи бўйича аниқлаш.

Баллар	Друде шкаласи бўйича	Камаров шкаласи бўйича (олинган майдонда индивидлар сони)
6	Soc	1 м ² да 100 дан кўпроқ турлар
5	cop ³	1 м ² да 10-100 та турлар
4	cop ²	1 м ² да 10 тагача турлар
3	cop ¹	1 м ² да 10-100 та турлар
2	sp	1 м ² да 10 тагача турлар
1	sol	1 гектарда 10-100 тагача турлар

Бу метод орқали энг кўп тарқалган ўсимликлар шартли белгилар орқали ҳар бир квадратга жойлаштирилади. Квадратлар тўлдирилгач қайси турдаги ўсимликлар кенг тарқалгани яққол кўринади. Бу методдан М.Б. Культасов ўз ишларида фойдаланганлигини С.Кудряшев (1930) [2] илмий ишларида кўрсатган.

Ҳозир яйловларда қишлоқлар атрофларида ўсимликсиз, яланғочланиб қолган ерлар кўп. Булар тоғларда қурилиш учун тошларни қовлаб олганда, ҳосил бўлган чуқурчалар ва тош тўдалари, чорва молларнинг доимий юришидан ҳосил бўлган йўлакчалар, ёки сув эрозияси туфайли ҳосил бўлган эрозион шакллар ва бошқа кўринишларга эга.

Биз тўр методи ёрдамида ўсимликлар қопламани ўрганганда ҳар бир квадратда ўсимликсиз очилиб қолган ерларни ҳам таянч участкалар планида кўрсатдик. Таянч участкада чорва моллар йўллари, ҳамда сув эрозиясидан ҳосил бўлган кичик эрозион шаклларни махсус шартли белгилар орқали бердик. Ҳар бир квадратдаги очилиб қолган ерларни жамлаб уларнинг 100 м² майдондаги ҳиссасини ҳисоблаб чиқардик. Бу чўлланиш жараёнини миқдорий баҳолашда жуда зарурий кўрсаткичлар ҳисобланади. Қишлоқдан узоқлашган сари “тўр” ёрдамида ўлчанган участкалар таққосланганда, ўсимлик қопламанинг қалинлиги, турлар сонининг ўзгариши, уларнинг миқдори, ҳамда очилиб қолган ерлар майдонини бирга ҳисоблаш чўлланишни миқдорий баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар бўлиб хизмат қилади.

Хулоса. Тоғ яйловларида чўлланиш жараёнини трансект усулида ўрганиш, олинган маълум йўналишда ўсимликларнинг қишлоқлардан ўзоқлашган сари тур ва сон жиҳатдан ўзгаришларини миқдорий баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Комаров Н.Ф. Методика изучения сорной растительности. Советская ботаника, №3 1934
2. Кудряшев С. Растительность района гор Хобдинтау и Карачатау. Труды САГУ, сер. VIII-б, вып.13,1930,
3. Культасов М.В. Очерк растительности гор Писталитау//Труды Туркестанского научного общества. Том I-Т., 1923.
4. Рахматуллаев А., Адилова О. Тоғларда чўлланиш жараёнини таянч-тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш методикаси. Ўзбекистон География жамияти ахборотномаси. 43-жилд. Тошкент, 2014.-3-5 б.